

**ЭКСПЕРТИЗА ТАДҚИҚОТЛАРИ УЧУН НАМУНА
ОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Хусанов Анвар Джумабаевич

*ИИБ Академияси Криминалистик экспертизалар
кафедраси бошлиғи, ю.ф.б.ф.д. (PhD), доцент*

Собиров Фуркат Бахромбой ўғли

*ИИБ Академияси Криминалистик экспертизалар
кафедраси бошлиғи ўринбосари, ю.ф.б.ф.д. (PhD)*

E-mail: farhodsobirov6602@gmail.com

Аннотация. *Мазкур мақолада эксперт-криминалистик тадқиқотлар ичида ўзининг мураккаблиги жиҳатидан доимий равишда етакчи ўринда турувчи суд хатишунослик экспертизаси объектлари бўлган қўлёзма ёзув, имзо ва рақамлар тадқиқотлари учун намуна олиниши билан боғлиқ жараёнда қонунчиликдаги муаммолар кўрсатиб ўтилган. Ушбу мақолада асосий муаммолар сифатида хатишунослик экспертизаси тадқиқотлари учун намуна олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ва органлар доирасини белгилаш ҳамда хатишунослик экспертизаси тадқиқотлари учун намуна олиниши мумкин бўлган шахслар доирасини аниқлаш жараёнида мавжуд бўлган бир қатор муаммолар ёритилган. Шунингдек, юқорида келтириб ўтилган муаммоларни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг тегишли норматив ҳуқуқий ҳужжатларига ўзгартириш киритиш бўйича асослантилган таклифлар келтириб ўтилган.*

Калит сўзлар: *хатишунослик экспертизаси, эркин, шартли-эркин ва экспериментал намуналар, тадқиқот, жабрланувчи.*

Ушбу мақолада бугунги кунда гарчи ҳаётимизга электрон ҳужжатлар кундан кунга тобора кўпроқ кириб келаётганига қарамасдан ўзининг анъанавий криминалистик экспертизалар ичида етакчилик мавқеини

халигача сақлаб келаётган хатшунослик экспертизаси[1; 81-85-б] тўғрисида сўз юритилади. Хатшунослик экспертизаси тадқиқотлари натижаси юзасидан тузиладиган эксперт хулосаларининг объектив ҳамда илмий асосланганлик даражаси, хатшунос экспертнинг билим кўникмаси, тадқиқот жараёнига тақдим қилинган намуналарнинг ишончли тўлиқлиги каби бир нечта факторларга боғлиқ[2; б.2]. Ушбу мақолада хатшунослик экспертизасини ўтказиш учун намуналар билан боғлиқ қуйидаги:

➤ Хатшунослик экспертизаси тадқиқотлари учун намуна олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ва органлар доирасини белгилаш жараёнидаги муаммолар;

➤ Хатшунослик экспертизаси тадқиқотлари учун намуна олиниши мумкин бўлган шахслар доирасини аниқлаш жараёнидаги муаммолар каби бир қатор масалалар кўриб чиқилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муаммолар бугунги кунда жуда долзарб аҳамиятга эга бўлиб, ўтказилаётган хатшунослик экспертизаси тадқиқотлари жараёнида шакллантирилаётган хулосаларнинг объективлигига ўзининг жуда катта таъсири мавжуд. Ушбу муаммолар тўғрисида фикр юритишдан олдин дастлаб хатшунослик экспертизасида мавжуд намуна турлари тўғрисида тўхталиб ўтсак. Хатшунослик экспертизаси тадқиқотларида қуйидаги:

- Эркин;
- Шартли-эркин;
- Экспериментал каби учта турдаги намуналар мавжуд.

Мақолада кўрсатилган ҳар иккала муаммоларнинг аҳамиятини кўрсатиб бериш учун умумий бўлган ҳамда бугунги кун амалиётида учраб турган мисол келтириб ўтилгани ҳолда, ушбу мисол қуйидагича:

Фуқаро ўзига тегишли бўлган ҳужжатга унинг номидан бошқа бир шахс томонидан имзо қўйилганлиги ҳамда ушбу шахсни аниқлаб жазо чорасини белгилашни сўраб терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахсига мурожаат қилиб келди. Бундай вазиятда

таабийки терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси ҳолатга ойдинлик киритиш учун хатшунослик экспертиза тайинлаши лозим. Шу ўринда қуйидаги:

➤ ***Биринчи савол:*** жиноят иши қўзғатилишидан олдин ҳам экспертиза тайинланиши мумкинми?

➤ ***Иккинчи савол:*** агар мумкин бўлса, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси хатшунослик экспертизаси тайинлаш ваколатига эгами?

➤ ***Учинчи савол:*** агар терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси экспертиза тайинлаш ваколатига эга бўлса эксперт текширувлари учун намуналар олиши мумкинми? каби бир қатор саволлар юзага келади. Ушбу саволларга Ўзбекистон Республикаси ЖПК доирасида жавоб бериб ўтамыз.

Биринчи савол юзасидан:

Жиноят иши қўзғатилишидан олдин ҳам экспертиза тайинланиши мумкин. Ушбу қоида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 180-моддаси 2-қисмида “Зарур ҳолларда экспертиза жиноят иши қўзғатилишидан олдин ҳам тайинланиши мумкин” [7] тарзида мустаҳкамлаб қўйилган.

Иккинчи савол юзасидан:

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси хатшунослик экспертизаси тайинлаш ваколатига эга. Ушбу қоида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 180-моддаси 1-қисмида ўз тасдиғини топган ва қуйидаги таҳрирда баён қилинган.

Экспертиза тайинлаш тўғрисида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Унда: экспертиза тайинлаш учун асос бўлган сабаблар; экспертизага юборилаётган ашёвий далиллар ва бошқа объектлар, уларнинг қачон, қаерда ва қайси ҳолатда топилганлиги ва олинганлиги; иш материаллари бўйича экспертиза ўтказишда эса эксперт хулосаси асосланиши лозим бўлган маълумотлар; эксперт олдига қўйилган саволлар;

экспертиза муассасасининг номи ёки экспертиза ўтказиш топширилган шахснинг фамилияси кўрсатилиши лозим[7].

Учинчи савол юзасидан:

Ушбу саволга ойдинлик киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 189-моддаси бўлган ҳамда “Намуна олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ва органлар” деб номланган моддасига мурожаат қиламиз. Ушбу моддада эксперт текшируви учун намуна олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ва органлар кўрсатиб ўтилиб қуйидаги таҳрирда баён қилинган:

Эксперт текшируви намуналар олинадиган шахсни ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ бўлмаса ва алоҳида касб маҳоратини талаб қилмаса, суриштирувчи, терговчи ёки суднинг ўзи, зарурат бўлганда эса шифокор, бошқа мутахассис, эксперт иштирокида эксперт текшируви учун намуналар олишга ҳақлидир.

Эксперт текшируви учун намуналар олиш яланғоч бўлишни тақозо этса ёки алоҳида касб маҳоратини талаб қилса, суриштирувчи, терговчи ёки суднинг топшириғига биноан текширув учун намуналарни шифокор ёки бошқа тиббий мутахассис олади[7].

Айнан ушбу ушбу моддани ўрганар эканмиз қизиқарли ва шу билан бир вазиятда муаммоли ҳолатга дуч келамиз. Ушбу ҳолат эса мақоламизда дастлабки муаммо сифатида кўрсатиб ўтилган - **хатшунослик экспертизаси тадқиқотлари учун намуна олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ва органлар доирасини белгилаш жараёнидаги муаммолардир.**

Юқорида муаммо сифатида кўрсатиб ўтилган ҳолат бу бугунги кунда экспертиза тайинлаш жараёнида юзага келади ва бир қатор муаммоли ҳолатларни келтириб чиқаришга сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси экспертиза тайинлаш ваколатига эга. Бироқ Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг “Намуна олиш ҳуқуқига эга бўлган

шахслар ва органлар” деб номланган 189-моддасида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси номи кўрсатилмаган. Айнан шу жараёнда муаммоли вазият юзага келгани ҳолда қуйидаги ўринли бир савол юзага келади.

➤ ***Нима учун экспертиза тайинлаш ваколати бўлган терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси шахслардан эксперт текшируви учун намуна олиш ҳуқуқига эга эмас?***

Бизнинг назаримизда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 180 ва 189-моддалари бир бирига зид бўлиб, ушбу моддаларни бир бирига мослаштириш лозим. Агар терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси экспертиза тайинламоқчи бўлса ва шахслардан эксперт текшируви учун намуна олиш зарурияти туғилса суриштирувчи ёки терговчи номидан амалга ошириши керакми? Бу ахир ортиқча вақт ва оворагарчиликни юзага келишига сабаб бўлмайдими? Ушбу муаммони бартараф қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 189-моддаси биринчи хатбошисини қуйидаги тахрирда баён қилиш мақсадга мувофиқ:

Эксперт текшируви намуналар олинадиган шахсни ечинтириб ялангочлаш билан боғлиқ бўлмаса ва алоҳида касб маҳоратини талаб қилмаса, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суднинг ўзи, зарурат бўлганда эса шифокор, бошқа мутахассис, эксперт иштирокида эксперт текшируви учун намуналар олишга ҳақлидир.

Ушбу таклиф қилинаётган ўзгариш орқали терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси ўзи тайинлаган эксперт текширувлари учун қарор доирасида ўзи бемалол намуна олиши мумкин бўлади ҳамда ушбу йўналишда мавжуд муаммолар бартараф этилиши мумкин.

Мақолада кўрсатилиши лозим бўлган навбатдаги муаммо бу - **хатшунослик экспертизаси тадқиқотлари учун намуна олиниши**

мумкин бўлган шахслар доирасини аниқлаш жараёнидаги муаммолардир. Қуйида ушбу муаммо тўғрисида таҳлилий фикр мулоҳазадари келтириб ўтамиз.

Бир қарашда хатшунослик экспертизаси тадқиқотлари учун намуна олиниши мумкин бўлган шахслар доирасини аниқлаш бу муаммо эмасдек туюлиши мумкин. Бунга сабаб сифатида айнан Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал кодексида “Намуна олиниши мумкин бўлган шахслар” деб номланган алоҳида бир модда мавжуд бўлиб ушбу модда экспертиза тадқиқотлари, хусусан хатшунослик экспертизасини ўтказиш учун намуналар олиш жараёнини тартибга солиши назарда тутилган ва қуйидагича таҳрирда баён қилинган.

190-модда. Намуна олиниши мумкин бўлган шахслар.

Эксперт текшируви учун намуналар гумон қилинувчидан, айбланувчидан, судланувчидан, жабрланувчидан, шунингдек тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича устидан иш юритилаётган шахсдан олиниши мумкин.

Ҳодиса содир бўлган жойда ёки ашёвий далилларда бошқа шахслар томонидан ҳам из қолдирилган бўлиши мумкинлиги тўғрисида етарлича асослар бўлган тақдирда шу шахслардан ҳам эксперт текшируви учун намуна олиниши мумкин[7].

Ушбу моддани ўрганар эканмиз экспертиза текшируви учун намуналар олиш тергов ҳаракатининг объектлари сифатида тирик шахсларнинг доирасини белгилайди.

Шарҳданаётган моддага мувофиқ, намуна олиниши мумкин бўлган шахслар рўйхати қуйидагилардан иборат:

- 1) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи;
- 2) жабрланувчи;
- 3) тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича устидан иш юритилаётган шахс;

4) ҳодиса содир бўлган жойда ёки ашёвий далилларда из қолдирилган бўлиши мумкин бўлган шахслар (бу тўғрисида етарлича асослар бўлган тақдирда)[8, б.37].

Юқорида эксперт текширувлари учун намуна олиниши мумкин шахслар рўйхати келтириб ўтилди. Ушбу модданинг бугунги кун талабига нечоғлик мос келиши учун юқорида умумий тарзда мисол келтириб ўтилган бўлиб, айнан ушбу мисолга асосан биз ўз фикр ва мулоҳазаларимизни келтириб ўтамиз.

Юқорида келтириб ўтилган мисолда хатшунослик экспертизаси тайинланишини аниқлаштириб олдик. Бироқ, экспертиза ўтказиш ҳамда объектив хулосага эришиш мақсадида мақоланинг кириш қисмида санаб ўтилган учта(эркин, шартли-эркин ва экспериментал) намуналар лозим бўлгани ҳолда, ариза билан келган шахсдан экспериментал намуна олиш зарурияти туғилиши мумкин. Шу ўринда қуйидаги:

➤ Юқоридаги ҳолатда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси томонидан ариза берган шахсдан намуна олиниши процессуал жиҳатдан асосга эгами? деган мазмундаги савол юзага келади.

Маълумки ариза берган шахс, ариза берган вақтда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи эмаслиги табиий. Унда жабрланувчими? Йўқ жабрланувчи ҳам эмас, зеро Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 54-моддасида жабрланувчига қуйидагича таъриф келтириб ўтилган:

Жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкый зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган тақдирда, бундай шахс жабрланувчи деб эътироф этилади. Жабрланувчи деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Жабрланувчи вояга етмаган ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган шахс бўлса, ишда у билан биргаликда ёки унинг ўрнига қонуний вакили иштирок этади[7].

Юқорида жабрланувчига берилган таърифга кўра ушбу ариза берган шахснинг қўлёзма ёзувлари ҳақиқатан ҳам бошқа бир шахс томонидан бажарилганлиги ўз исботини топиб ва яна бир қатор фактлар ўз исботини топмагунга қадар ушбу шахсни жабрланувчи сифатида эътироф этиш ва қарор чиқариш мумкин эмас.

Айнан мана шу жойда қонунчилик ҳужжатларида хатшунослик экспертизаси учун шахслардан намуна олиш билан боғлиқ муаммо яққол кўзга ташланади. Яъни юқоридаги ҳолатда ариза берган шахс Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунига асосан ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этган мурожаатчи шахс ҳисобланади[9].

Демак агар ушбу шахс мурожаатчи бўлса, унда ЖПКнинг 190-моддаси биринчи қисми талабларига мос тушмайди ҳамда шахсдан намуна олиниши мумкин эмас. Энди эса ушбу модданинг иккинчи қисмини шарҳлаб чиқсак.

ЖПКнинг 190-моддаси иккинчи хатбоси қуйидаги таҳрирда баён қилинган:

Ҳодиса содир бўлган жойда ёки ашёвий далилларда бошқа шахслар томонидан ҳам из қолдирилган бўлиши мумкинлиги тўғрисида етарлича асослар бўлган тақдирда шу шахслардан ҳам эксперт текшируви учун намуна олиниши мумкин[7]. Ушбу қонунда қуйида иккита гуруҳга ажратган ҳолда ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Биринчиси: ҳодиса содир бўлган жойда бошқа шахслар томонидан ҳам из қолдирилган бўлиши мумкинлиги тўғрисида етарлича асослар бўлган тақдирда шу шахслардан ҳам эксперт текшируви учун намуна олиниши мумкинлиги тўғрисидаги қоида.

Иккинчиси: ашёвий далилларда бошқа шахслар томонидан ҳам из қолдирилган бўлиши мумкинлиги тўғрисида етарлича асослар бўлган

тақдирда шу шахслардан ҳам эксперт текшируви учун намуна олиниши мумкинлиги тўғрисидаги қоида.

Биринчи қоидада кўрсатилган ҳолат хатшунослик экспертизаси объектлари бўлган қўлёзма ёзув, рақам ёхуд имзоларга мос келмайди. Зеро ушбу қўлёзмалар ходиса содир бўлган жойда из сифатида қолиши мумкин эмас.

Иккинчи қоида бўйича: аввало хатшунослик экспертизаси объектлари бўлган қўлёзма ёзув, рақам ёхуд имзолардан излар эмас уни бажарган шахснинг белгиси қолиши мумкин.

Шу ўринда юқорида келтириб ўтилган намуналар яъни экспериментал хатшунослик экспертизаси тадқиқоти учун намуналар олинмаган тақдирда қандай ҳолат юзага келиши мумкин. Шу тўғрисида қисқача.

Юқоридаги мисолда келтириб ўтилган мурожаатчи шахсдан намуна олинмаган тақдирда табиийки текшириш учун намуна(эркин, шартли-эркин ва экспериментал намуналар) тўлиқ бўлмаганлиги сабабли, эксперт яқдил бир хулосага келаолмаслиги ва яқунда хулосанинг объективлигига путур етиши ёхуд аниқлашинг имконияти тўғрисидаги хулосанинг шаклланишига олиб келиши мумкин. Ушбу иккита ҳолат ҳам одил судловни таъминлаш жараёнига табиийки ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши мумкин. Шундай экан шахсдан намуна олиш мақсадга мувофиқ ҳамда ушбу фаолиятни тартибга солиш учун маҳсус ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 190-моддаси иккинчи хатбосини қуйидаги таҳрирда баён қилиш лозим.

Ходиса содир бўлган жойда ёки ашёвий далилларда бошқа шахслар томонидан ҳам из қолдирилган бўлиши мумкинлиги тўғрисида етарлича асослар мавжуд бўлганда ёхуд муайян турдаги экспертлик тадқиқотлари давомида маълум бир шахс дастхатини ушбу шахснинг ўзи томонидан бажарилганлиги ҳолатига ойдинлик киритиши зарур бўлган тақдирда шу шахслардан ҳам эксперт текшируви учун намуна олиниши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1) Петрова, Б. И. Предмет, задачи и объекты судебно-почерковедческой диагностической экспертизы по установлению психологических свойств исполнителя рукописи / Б. И. Петрова // Вестник Южно-Уральского государственного университета. Серия: Право. – 2016. – Т. 16. – № 2. – С. 81-85. – DOI 10.14529/law160213.
- 2) Бондаренко, П. В. Подготовка и оформление материалов при назначении судебно-почерковедческой экспертизы : учебно-практическое пособие / П. В. Бондаренко, В. Ф. Финогенов ; П. В. Бондаренко, В. Ф. Финогенов ; Саратовский юридический ин-т МВД России. – Саратов : Саратовский юридический ин-т МВД России, 2011. – 90 с. – ISBN 978-5-7485-0650-2.
- 3) Диденко, О. А. Проблемы производства судебно-почерковедческих экспертиз в современных условиях / О. А. Диденко // Теория и практика судебной экспертизы в современных условиях : материалы VIII Международной научно-практической конференции, Москва, 28–29 января 2021 года. – Москва: Общество с ограниченной ответственностью "Издательство "Проспект", 2021. – С. 74-78.
- 4) Л.А.Винберг ва М.В. Шванковалар ўзларининг “Почерковедческая экспертиза” – Волгоград 1977. – С.84.
- 5) Ш. Комилов, Р. Махмудов, Ш. Хасанов “Хатшунослик экспертизаси” – Тошкент 2003 . – С.38.
- 6) Т.И. Исмадова “Почерковедческая экспертиза” (маърузалар курси) – Волгоград 2007. – С.92.
- 7) Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси – Тошкент .
- 8) Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексига шарҳлар – Тошкент 2014.- С. .
- 9) «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни.